

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими Алламуратов Жанабай вафот етди.

Image not found or type unknown

Алламуратов Жанабай 1937 йил 4 майда Шуманай туманида туғилган. 1960 йилда Ўрта Осиё политехника институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1960-1961 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қошидаги жамоа хўжаликларда қишлоқ қурилиши бошқармаси техника ёрдами бюросининг катта мухандиси ва бош мухандиси бўлиб ишлашдан бошлаган.

1961-1964 йилларда 166-сонли қурилиш трести 1-сонли қурилиш бошқармасининг қурилиш устаси, 1964-1968 йилларда 166-сонли қурилиш трести прораби, катта прораби, бўлим бошлиғи, 1968-1970 йилларда 166-сонли қурилиш трести 91-сонли КМК-си бошлиғи, 2-сонли қурилиш бошқармаси бошлиғи сифатида фаолият кўрсатган.

1970 йилда "Ўзтрансмахсусқурилиш" трести 129-сонли КМК-си бошлиғи, 1970-1973 йилларда Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитаси инструктори бўлган.

1973 йилдан 2003 йилга қадар "Қорақалпоқгаз" республика бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

Алламуратов Жанабай 1979 йилда Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи, 2000 йилда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими давлат мукофатлари билан шунингдек, биринчи даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Алламуратов Жанабай ўзининг қарийиб 60 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзининг бой билим ва тажрийбаси, манавий фазилатлари билан халқимиз ва Ватанимизга хизмат қилди.

Халқимизнинг суйукли фарзанди, самимий ва фидойи инсон Алламуратов Жанабайнинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур ҳамдартлик билдирамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши